XALQ DEPUTATLARI YANGIOBOD TUMANI KENGASH
QARORI

2023 - yil 6 - yanvar VI-50-3-3-54-K/23 Yangiobod tumani hokimligi

Янгиобод тумани ҳудудидаги маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегараларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 августдаги “Маҳалла институтининг жамият ҳаётидаги ролини мустаҳкамлаш ва молиявий имкониятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-353-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сонли қарорига асосан, туманда маъмурий ҳудудий бирлик сифатида қишлоқлар ва шаҳарчалар белгилаш бўйича Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Исроиловнинг ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1.Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи А.Исроиловнинг туман ҳудудидаги маъмурий-ҳудудий бирликларининг чегараларини белгилаш юзасидан бериб ўтган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2.Янгиобод тумани ҳудудидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш ишларининг дастлабки натижаларига кўра умумий периметри 547 923 метр, жами ер майдони 73 262,96 гектарни ташкил қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

“Янгиобод” ШФЙ ҳудудининг умумий периметри 16393 метр, умумий майдони 574,18 гектар;

“Совот” ҚФЙ ҳудудининг умумий периметри 51468 метр, умумий майдони 6589,84 гектар;

“Баландчақир” МФЙ ҳудудининг умумий периметри 73222 метр, умумий майдони 5120,79 гектар;

“Хўжамушкент” ҚФЙ ҳудудининг умумий периметри 76910 метр, умумий майдони 7359,54 гектар;

“Дўстлик” МФЙ ҳудудининг умумий периметри 112428 метр, умумий майдони 22907,58 гектар;

“Хавотоғ” ҚФЙ ҳудудининг умумий периметри 88614 метр, умумий майдони 14657,43 гектар;

“Шодлик” МФЙ ҳудудининг умумий периметри 39140 метр, умумий майдони 2969,81 гектар.

“Сармич” МФЙ ҳудудининг умумий периметри 89748 метр, умумий майдони 13083,79 гектар.

3.Тумандаги 8 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг чегараларини белгиланганлиги бўйича харита иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал соҳа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Рахимов зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси **Б.Ибрагимов**

Xalq deputatlari Yangiobod tuman
Kengashining
2023 yil 6 yanvardagi
VI-50-3-3-54-K/23-son qaroriga
1-ilova

Жиззах вилояти Янгиобод тумани схематик ХАРИТАСИ

